

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухамедов Ҳайдарали Мелиевич АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИ.....	5
2. Turgunov Murodjon Tursunbayevich ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
3. Ибрагимова Мухлиса Паридуновна ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	23
4. Ubaydullayev Abror Qutilla o‘g‘li ISLOM MOLIVASINI HUQUQIY VA TASHKILY JIHATDAN TARTIBGA SOLUVCHI XALQARO INSTITUTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA EVOLUTSIYASI.....	29
5. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li SOLIQ MASALAHATINI AMALGA OSHIRISH PRINSIPLARI VA ULARNING TURLARI.....	35
6. Ашурова Наргиза Аъзамовна ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ.....	43
7. Амангельды Айжан Амангельдыкызы ПРАВОПРЕЕМСТВО ПРАВ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ.....	54
8. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	74
9. Эшимбетова Дармон Уразбаевна КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ.....	82
10. Казакбаев Туулбай Каримбаевич КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА ШАКЛИ ВА УНИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ.....	90
11. Rasulov Bekzod Boymuratovich QURILISHNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH – BARQAROR RIVOJLANISH MEZONI.....	98
12. Умарова Барно Акбутаевна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	107



ISSN: 2181-9130

www.tadqiqot.uz


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Ашурова Наргиза Аъзамовна,
Ички ишлар вазирлиги Академиясининг
профессори вазифасини бажарувчиси,
юридик фанлар доктори
E-mail: n.ashurova@tsul.uz

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ**

For citation: Ashurova Nargiza Azamovna. LEGAL REGIME OF OWN BUSINESS ENTITIES: COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 3, pp.43-53

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10505566>

АННОТАЦИЯ

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятининг, шу жумладан улар мол-мулкининг ҳуқуқий асослари муайян ўзига хослик касб этади. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимидан фарқли равишда ривожланган хорижий мамлакатларда тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасига иқтисодий муносабатларни тартибга соладиган ва тадбиркорлар манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай нормалар киради. Бундай кенг талқин тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ҳуқуқ соҳаси доирасида чегаралашни тақозо этмайди. Шу боис хорижий мамлакатлар қонунчилиги бўйича тадбиркорлик ҳуқуқига шундай нормалар киритиладики, Ўзбекистон юриспруденциясида шакланган анъанавий талқин бўйича бу нормалар тадбиркорликдан ташқарида бўлган бошқа ҳуқуқ соҳалари (масалан, экология, ер, меҳант ҳуқуқи)нинг манбалари ҳисобланади. Шунга кўра, мазкур мақолада хорижий мамлакатлар тажрибасида тадбиркорлик субъектлари мулкий асосларининг ҳуқуқий режими тавсифи соҳага оид манбалар асосида атрофлича кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: қонун, давлат, режим, тадбиркорлик, мулк, иқтисод, солиқ.

Ашурова Наргиза Аъзамовна,
Исполняющая обязанности профессора Академии
Министерства внутренних дел,
доктор юридических наук.
E-mail: n.ashurova@tsul.uz

**ХАРАКТЕРИСТИКА ПРАВОВОГО РЕЖИМА ОСНОВА СОБСТВЕННОСТИ
СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА НА ОПЫТЕ ЗАРУБЕЖНЫХ
ГОСУДАРСТВ**

АННОТАЦИЯ

В законодательстве зарубежных стран правовая основа деятельности субъектов предпринимательства, в том числе их имущества, приобретает определенную специфику. В отличие от правовой системы Узбекистана, в развитых зарубежных странах сфера предпринимательского права включает в себя любые нормы, регулирующие экономические отношения и затрагивающие интересы предпринимателей. Столь широкое толкование не требует ограничения предмета предпринимательского права рамками закона. Именно поэтому по законодательству зарубежных стран в закон о предпринимательстве включены такие нормы, которые, согласно традиционному толкованию, сложившемуся в юриспруденции Узбекистана, являются источниками других отраслей права вне предпринимательства (например, экология, земля, трудовое право). Соответственно, в данной статье на основе источников, связанных с данной сферой, подробно рассмотрено описание правового режима имущественных основ субъектов хозяйствования в опыте зарубежных стран.

Ключевые слова: право, государство, режим, бизнес, собственность, экономика, налог.

Ashurova Nargiza Azamovna,
Acting Professor of the Academy
of the Ministry of Internal Affairs,
Doctor of Science in Law
E-mail: n.ashurova@tsul.uz

LEGAL REGIME OF OWN BUSINESS ENTITIES: COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

ANNOTATION

In the legislation of foreign countries, the legal basis for the activities of business entities, including their property, acquires certain specifics. Unlike the legal system of Uzbekistan, in developed foreign countries the scope of business law includes any rules governing economic relations and affecting the interests of entrepreneurs. Such a broad interpretation does not require limiting the subject of business law to the law. That is why, according to the legislation of foreign countries, the law on entrepreneurship includes such norms that, according to the traditional interpretation that has developed in the jurisprudence of Uzbekistan, are sources of other branches of law outside of entrepreneurship (for example, ecology, land, labor law). Accordingly, this article, based on sources related to this area, examines in detail the description of the legal regime of the property foundations of business entities in the experience of foreign countries.

Keywords: law, state, regime, business, property, economics, tax.

Хорижий қонунчилик кредиторлар, акциядорлар, ишчилар ва оммавий манфаатлар мутаносиблигига риоя қилишга ҳаракат қилади. Корхонани ишбилармонлик активининг мустақил тури эканлигига хорижий қонунчиликда кўп эътибор қаратилади. Бу борада Буюк Британия ҳуқуқи бўйича корхонани доимий ўзгаришда бўлган активлар мажмуи сифатида (floating charge) гаровга қўйиш имкониятини ёки агар компаниялар учун монополияга қарши тусдаги рухсат олиш зарур бўлса, Европа Иттифоқи органларининг умумий фаолият йўналишига эга алоҳида корхоналарнинг ажратиш ва сотиш талабларини эслаш кифоя.

Ғарбий Европа ривожланган мамлакатлар қонунчилиги одатда яқка тадбиркорни ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида рўйхатдан ўтказиш талабини назарда тутмайди. Бу солиқлар тўлаш ва ўз турар-жой тўғрисида тегишли давлат органини хабардор қилиш бўйича умумий мажбурият таркибига кирмайдиган иқтисодий эркинликни қўшимча чеклаш ҳисобланади. Зеро эркин касб эгаси бўлган шахс (врач, юрист, аудитор, архитектор)ларга нисбатан ҳам рўйхатдан ўтиш талаби мавжуд эмаслиги, бежиз эмас, албатта. Бу шахслар тегишли давлат ҳудуди фаолият юритиш ҳуқуқини қўлга китишлари учун профессионал ассоциацияларда малака имтиҳонини муваффақиятли топширишлари етарли ҳисобланади. Айнан билим ва ҳамкасблар эътирофининг (рўйхатдан ўтиш эмас) мавжудлиги мазкур

хизматларда истеъмочилар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати саналади. Бундай ёндашув Ўзбекистон учун ҳам хосдир.

Иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқ нормалари ишлаб чиқариш соҳалари ёки фаолият турлари бўйича ихтисослашув тенденциясига эгадир. Натижада қуйидаги махсус ҳуқуқ соҳалари алоҳида тартибга солинади ва ўрганилади: компаниялар ҳуқуқи, рақобат ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, энергетика ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи, маркетинг ҳуқуқи, телекоммуникация ҳуқуқи ва шу кабилар.

Тадбиркорлик фаолиятини, хусусан, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг режимини ҳуқуқий тартибга солиш одатда катта массивдаги ҳуқуқий нормалар ёрдамида амалга оширилади[1]. Хорижий мамлакатлар тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий манбаларини тўлиқ тасаввур қилиш учун уларни тадбиркорлик ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий соҳалари бўйича классификация қилиш мақсадга мувофиқдир. Умумий тусдаги савдо соҳасини тартибга солишга нисбатан қонунчиликка Германия, Франция савдо кодексларини, АҚШнинг Бирхиллаштирилган савдо кодексини киритиш мумкин. Корпоратив ҳуқуқ қуйидаги муҳим ҳужжатлар: АҚШнинг Тадбиркорлик корпорациялар тўғрисидаги 1994 йилги Модель қонуни, БуюкБританиянинг 2006 йилдаги Компаниялар тўғрисидаги қонун, Германиянинг 1898 йилдаги Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги ва 1965 йилдаги Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлари, Франциянинг 1966 йилдаги Савдо ширкатлари тўғрисидаги қонунини киритиш мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг ҳуқуқий режимини белгилашда 13 та директивадан ташкил топган Европа Иттифоқи (ЕИ) корпоратив ҳуқуқи ҳам алоҳида ўрин тутди. Европа корпоратив ҳуқуқига асос солган ҳужжат бўлиб, компаниялардаги ахборотни тарқатиш, компания реестрини юритиш, компания мажбуриятларининг ҳақиқийлиги, компанияни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослари (nullity of the company) масалаларини тартибга солувчи 1968 йил 9 март № 68/151/ЕИ рақамли Биринчи директива ҳисобланади.

ЕИнинг 1976 йил 13 декабрдаги 77/91/ЕИ рақамли иккинчи директиваси компания уставини сақлаш, устав капиталининг минимал миқдори (25 минг евро), биринчи марта акция чиқариш шarti, компаниянинг ўз акцияларини қўлга киритиш, капитални кўпайтириш ва камайтириш, компания мол-мулки билан йирик битимларни амалга ошириш, дивидендлар тўлаш, капитал йўқотилганда кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини белгилайди. ЕИ бошқа директивалари компанияларнинг қўшилиши ва бўлиниши, уларнинг йиллик ҳисоботи мазмуни, компанияни бошқаришни ташкил этиш, компания аудиторлари функцияси ва жавобгарлиги, ҳисоботларни консолидарлаштириш, битта шахс компаниясининг статуси масалаларини тартибга солади. ЕИнинг кейинги йиллардаги энг муҳим директиваси Европа Парламентининг 2004/25/ЕИ ва ЕИ Кенгашининг 2004 йил 24 апрелдаги акциядорларнинг ғирром қўшиб олишдан ҳимоя қилишга қаратилган Компанияни қўшиб олиш тўғрисидаги Директива ҳисобланади.

Европа корпоратив ҳуқуқи ривожланишининг иккинчи босқичи ЕИ Кенгашининг Европа компанияларининг статуси тўғрисидаги 2001 йил 8 октябрдаги №2157/2001 рақамли Регламент қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу регламент тарнсчегаравий тусга эга бўлган Европа бизнеси учун махсус ташкилий-ҳуқуқий шаклни назарда тутди ва ЕИ аъзолари – турли мамлакатларида амал қиладиган корпортив бошқарув масалалари бўйича қарама-қаршилиқларни олдини олиш имконини беради[2]. Европа компанияси сифатидаги ташкилот ва бизнесни юритиш шакли иқтисодий мазмун (economic unit) ва ҳуқуқи шаклнинг (legal unit) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кўпроқ мос келиши учун зарур.

Инглиз-америка ҳуқуқ оиласида мамлакатларида Компаниялар тўғрисидаги қонундан ташқари, судлар томонидан низони ҳал қилишда қўлланилиши мажбурий бўлган корпоратив бошқарув кодекслари кенг тарқалган. Мазкур ҳужжатлар илмий муассасалар ва амалиётчилар ассоциациясининг биргаликдаги фаолияти натижаси (масалан, Америка ҳуқуқи институти ва Америка адвокатлари ассоциацияси) ҳисобланади. Корпоратив кодекслар корпорациялар ва компаниялардаги акциядорлар, директорлар ва менежерлар ўртасидаги муносабатларни,

уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини тўлиқ тартибга солишга йўналтирилган.

Капитал бозоридаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик тўғрисидаги тасаввурни АҚШнинг 1933 йилдаги Қимматли қоғозлар тўғрисидаги, 1934 йилдаги Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги, 1940 йилдаги Инвестиция компаниялари тўғрисидаги, 1970 йилдаги Капиталлар бозоридаги қимматли қоғозлар эгаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунлари, БуюкБританиянинг 1979 ва 1987 йиллардаги Банк фаолияти тўғрисидаги қонундан олиш мумкин. Европа Иттифоқининг банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни уйғунлаштиришга қаратилган асосий ҳужжати бўлиб, 1898 йилдаги № 89/646/ЕЕИ Кредит ташкилотларини ташкил этиш ва фаолият юритишига нисбатан қонунчилик ва маъмурий ҳуқуқни координация қилиш тўғрисидаги иккинчи директиваси ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатлари банк қонунчилигини шакллантириш учун халқаро ҳамкорлик органи бўлган банк назорат бўйича Базель қўмитасининг тавсияси ҳисобланади. Қўмитасининг мақсади – банк назоратнинг давлат органлари ва кредит ташкилотлари иштирокида ахборотни ва фикрларни алмашинуви йўли билан банк тартибга солиши ва назорати масалалари бўйича ягона ёндашувларни шакллантириш ҳисобланади. Қўмитанинг асосий ҳужжатларидан бири бўлиб хорижий банк муассасаларини назорат қилиш бўйича Принциплар, самарали банк назоратининг Асосий принциплари, капиталнинг етарлилиги Стандартлари ҳисобланади.

Банкротлик таомиллари махсус қонунчилик ҳужжатлари, АҚШнинг 1978 йилдаги Банкротлик кодекси, БуюкБританиянинг 1986 йилдаги тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжат, Франциянинг 2005 йилдаги №2005-845 Банкротлик тўғрисидаги қонуни, Германиянинг 1994 йилдаги Банкротлик тўғрисидаги қонуни билан тартибга солинади. Рақобат эркинлигини таъминлашда Германиянинг 1957 йилдаги Картеллар тўғрисидаги қонуни, Франциянинг 1986 йил 1 декабрдаги “Баҳо ва рақобатнинг эркинлиги тўғрисида”ги қонуни амал қилади. Булар жумласига, БуюкБританиянинг 1986 йилдаги Қўшиб олиш тўғрисидаги кодекси, АҚШнинг трестга қарши қонунчилиги, 1890 йилдаги Шерман ва 1914 йилдаги Клейтон қонуни ҳам кирди[3].

Ривожланган хорижий мамлакатларда ҳуқуқнинг асосий манбалари бўлиб ҳуқуқий ҳужжатлар, прецедентлар (аҳамиятли суд қарорлари) ва ҳуқуқий одатлар кирди. Қонунлар билан бирга, тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан улар мол-мулкнинг режимини ҳуқуқий таъминловчи тадбиркорликнинг турли соҳаларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларининг ижро ҳужжатлари ҳам катта аҳамият касб этади. Европанинг деярли барча давлатлари конституцияларида фуқароларнинг эркинлиги фақат қонун асосида чеклашга йўл қўйилиши белгиланганлигига қарамадан, тадбиркорлик эркинлигини чеклаш амалда ижро органи ҳокимияти ҳужжатларида даражасида содир этилади. Шу маънода Европа Иттифоқи қонунчилиги алоҳида ўрин тутди[4].

Европа ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома (Рим шартномаси) ва баъзи давлатлараро келишув ва конвенцияни истисно этганда, норматив ҳужжатларнинг асосий массиви Ҳамжамиятнинг ижро органлари – Европа министрлар кенгаши ва Европа комиссияси томонидан қабул қилинган. Кенгаш ЕИ аъзолари бўлган мамлакатлар худудида бевосита қўлланиладиган регламентларни чиқаради, Комиссия эса аъзо мамлакатларнинг қонунчилигини ягона Европа бозори амал қилишининг у ёки бу масалалари бўйича уйғунлаштириш ва яқинлаштиришга оид директиваларни қабул қилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу органлар тавсиялар ва у ёки бу қоидалар, ҳуқуқий институтлар ва ЕИ таъсис этиш тўғрисидаги Шартноманинг терминларга тушунтиришлар (communication) чиқарадики, бу норматив ҳужжатни расмий шарҳлашга намунали мисол ҳисобланади. Қайд этиш ўринлики, тавсиявий тусга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий мамлакатларда кенг тарқалган. Прецедентлар асосан инглиз-америка ҳуқуқи мамлакатлари учун ҳосдир, бироқ қитъа Европаси мамлакатлар учун судлар (аосан юқори инстанция судлари)нинг ҳуқуқни шакллантириш бўйича роли кейинги йилларда ошиб бормоқда. Муайян низони ҳал қилишда тегишли ҳуқуқ нормаси мавжуд бўлмаганда ёки унинг мазмуни ноаниқ бўлганда суд учун у

ёки бу муносабатларни тартибга солиш бўйича принципларни аниқлаб олиш, у ёки бу доктринани қўллаш имкониятини текшириш, низо томониданнинг ўзаро муносабатлари моҳиятини чурроқ аниқлашнинг ажойиб имконияти вужудга келади. Халқаро ҳамжамиятда бошқа мамлакатлар олий судларининг эътиборга молик қарорларини кузатиб бориш ва ундан ўз амалиётида фойдаланиш тенденция қабул қилинган. Бунда АҚШ Олий суди ва Германи Конституциявий суди юқори нуфузга эга ҳисобланади. Халқаро судлар орасидан алоҳида нуфуз ва ҳурматга Европа Иттифоқининг Адолат суди (European Court of Justice) эга ҳисобланади, зеро ушбу суд иқтисодий эркинликни ҳимоя қилиш асосида ҳуқуқнинг умумий принципларини шакллантирган ва хусусий шахсларнинг мулк ҳуқуқига асоссиз аралашувлар кузатилганда ёки давлат органлари томонидан салбий иқтисодий оқибатларга олиб келган қарорлар қабул қилинганда тегишли масалани кўриб чиқади.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида суд прецедентлари кўплаб учрайди. Улар орасидан, масалан, АҚШ корпоратив ҳуқуқидаги 1819 йилдаги корпорация уставининг (ушбу устав штат ва корпорация ўртасидаги шартнома ҳисобланади) ҳуқуқий табиати бўйича *Dartmouth College V. Woodward* иши, 1911 йилдаги акциядорнинг ҳуқуқий мақоми (иштирокчилар корпорациянинг кредиторлари эмас, акциядорлари ҳисобланиши) бўйича *Grove v. Economic Life Insurance Co.* иши, 1926 йилдаги акция сертификатининг (акциядорнинг мақоми акция сертификатининг эмиссияси ёки унга эгалик қилишга боғлиқ эмас) ҳуқуқий табиати тўғрисидаги *Baker v. Bankers Mortgage Co.* ишини ажратиш мумкин. Эътиборга молик бўлган ҳозирги замонда кўрилган ишлардан Делавер Штати Олий судининг 1985 йилдаги *Smith v. Van Gorkom* иши ва акциядорларнинг компания директорининг жавобгарлиги тўғрисидаги гуруҳ даъвоси бўйича 2006 йилги *Walt Disney Company* иши бўйича қарорлари, ЕИ Адолат судининг 2007 йилдаги монопол ҳолатни суиистеъмол қилиш тўғрисидаги *T-201/04 Microsoft v. Commission* иши бўйича қарорини кўрсатиб ўтиш мумкин[5].

Ҳуқуқий одатлар асосан, муайян категориядаги товарлар (шакар, кофе, нефть)ни савдо қилиш соҳаси, фаолият турлари (суғурта, реклама фаолияти стандартлари) ёки профессионал фаолиятининг айрим турлари (аудит, юридик хизмат, банк хизмати) учун хосдир. Ушбу мақсадлар учун профессионал ассоциациялар ҳулқ-атвор ва жавобгарлик кодексларини қабул қиладилар.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқларининг режимини белгилаш ва уларни ҳимоя қилишда халқаро ташкилотлар (Халқаро савдо қоидалари бўйича БМТ Комиссияси ЮНСИТРАЛ, хусусий ҳуқуқни соддалаштириш бўйича халқаро институт УНИДРУА) ҳужжатлари ва кўп томонлама конвенциялар, масалан, 1997 йилдаги Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция, 1988 йилдаги Халқаро ўтказма векселлари ва халқаро оддий векселлар тўғрисидаги БМТ Конвенцияси, 1988 йилдаги Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА Конвенциясининг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлик субъектлари мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилашда ҳамда ушбу мол-мулкдан иқтисодий муомалада кенг фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритишда асосий эътибор “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қабул қилиш билан тезкор таъсир кўрсатишга қаратилган. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг имтиёз ва эркинлик бериш, тадбиркорлик хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва уларнинг мулк ҳуқуқларини кафолатларини кучайтиришга оид янги талаблар ва мезонлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини янада кучайтириш, айниқса, ер участкаларига нисбатан тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулк ҳуқуқини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 августдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-552-сон Қонуннинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонун билан юридик шахслар ҳисобланадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган

ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари, шунингдек уларга туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкалари хусусийлаштиришга рухсат берилди.

Фикримизча, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг ҳуқуқий асосларига доир хорижий мамлакатлар қонунчилигида белгиланган қоидалар, хусусан, устав фондини шакллантириш, қимматбаҳо қоғозларга нисбатан белгиланган режим, мулк ҳуқуқини ҳимояси билан боғлиқ амалиётни Ўзбекистон тадбиркорлик ҳуқуқида ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидлаш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини мақбул ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларининг қонунга мувофиқ, ҳалол ва шаффоф фаолияти олиб боришларини ҳуқуқий таъминлашда муайян тамойиллар таяниш муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасига тегишли нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларни аниқ ҳаёти вазиятларга қўллашда ҳам ушбу нормалар мазмунига сингдирилган асосий қоидалар ҳисобланадиган тамойилларнинг реал ифодаланиши талаб этилади. Бундан ташқари, тамойиллар фақат нормада ифодаланиш билан чекланмаслиги, балки тўғридан-тўғри қўлланилувчи қоидаларга, талаблар ва мезонларга айланиши лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида белгиланган “фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари”дан англашилади ва бу тамойиллари деярли барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ этиладиган нормалар учун умумий ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон Қонунида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари умумий тарзда нормалар мазмунига сингдирилган. Бироқ бу қонунда тамойилларга бағишланган махсус норма мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятини реал ҳуқуқий таъминлаш, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан “босим” ўтказишларининг олдини олиш каби ҳолатларни амалга оширишда қийинчиликлар туғдирадики[6], мазкур муаммоларнинг ечимини ривожланган хорижий мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий тартибга солиш тамойилларининг ифодаланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибанинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш орқали топиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий тизимнинг яқинлашуви тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тамойиллари кенг тарқалишига замин яратди. Мазкур тамойиллар жумласига мақбуллик, дискриминацияга йўл қўйилмаслик, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ҳаракатларнинг иқтисодий бошқа мантиқий асослантирилганилиги, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги, тадбиркорлик фаолияти субъектларнинг ҳалоллиги презумпциясини киритиш мумкин.

Умумий тамойиллар билан бирга, хорижий ҳуқуқий доктрина кейинги юз йил мобайнида тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишга қаратилган махсус тамойилларни ҳам ишлаб чиқди. Ушбу тамойилларнинг мақсади ўзининг хусусий сармоясини капиталга айлантириш учун бозор инситутларига тақдим этиладиган кредиторлар ва хусусий инвесторларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳисобланади. Бундай тамойиллар жумласига манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, бизнеснинг шаффофлигини таъминлаш, эркин ва адолатли рақобатни таъминлаш, бизнес учун бозор шароитларни сақлаш, ҳуқуқ томонидан иқтисодий реалликни инобатга олиш киради[7].

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти оммавий тусда бўлган муайян манфаатлар билан боғлиқ бўлиши лозимдир. Улар томонидан бир вақтнинг ўзида ўз манфаатларини (тадбиркорлик субъекти сифатидаги манфаатидан ташқари) ҳам кўзлаш манфаатлар тўқнашувини юзага келтирадики, бу ҳолат оқибатда бошқа ижтимоий гуруҳларнинг оммавий манфаатларига путур етишига олиб келиши мумкин. Ўзининг табиатига кўра бир бирига номувофиқ, карама-қарши бўлган функциялар амалга

оширилишига йўл қўйилмаслик манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка қаратилади. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги тамойили хусусий шахсларга ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолиятига ҳам тааллуқли ҳисобланади. Масалан, давлат амалдори бир вақтнинг ўзида тижорат ташкилоти фаолиятини бошқариши ва унинг капиталида иштирок этиши мумкин эмас. Тижорат ташкилоти капиталдаги улуш ва акцияларни ишончли бошқарувга топшириш манфаатлар тўқнашувини бартараф этмайди, бинобарин ишончли бошқарувчи акция эгаси бўлган амалдорнинг хусусий манфаатларини ҳимоя қилишда давом этаверади. Ушбу тамойил асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мамлакатнинг молия тизимини барқарорлаштириш билан боғлиқ бўлмаган тижорат тусидаги банк операцияларини амалга оширишини таъқиқлаш (“Марказий банк тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси) ёки тижорат банкларини валюта назорати бўйича давлат функцияларини бажарувчи агентликдан озод этиш зарур.

Манфаатлар тўқнашуви аудиторлар ва юристлар фаолиятига ҳам тааллуқли. Тегишли профессионал кодекслар муайян шахсга нисбатан юридик хизмат кўрсатишга рухсат бермайди, агар шу шахс илгари юридик фирманинг мижози бўлган бўлса. Масалан, АҚШда “Епгоп” компанияси банкрот деб эълон қилинганидан кейин аудиторнинг манфаатлар тўқнашуви олди олинishi учун аудиторлик фаолияти стандартлари ўзгартирилган. Хусусан, ташқи аудитни амалга ошириш шу аудитор томонидан консалтинглик хизмати ва ички аудитни истисно этиши лозим. Корпоратив ҳуқуқда манфаатлар тўқнашувига алоҳида эътибор қаратилади. Хўжалик жамияти менежерлари ўз фаолияти давомида фақат акциядорлар ва жамият манфаатлари учун ҳаракат қилиши ҳамда ўзининг шахсий манфаатларига қаратилган фаолиятни юритмаслиги лозим. Корпоратив бошқарувнинг барча назарияси капитални инвестиция қилиш қафолатларини таъминлаш мақсадида айнан мазкур тамойилга риоя қилишга қурилган. Манфаатдор келишувларни тузишда акциядорлар ёки кузатув кенгашининг розлигини олиш тўғрисидаги талаб ҳам айнан шу тамойил билан боғлиқдир. Ягона ижроия органи бундай функцияларни бажариши ёки бошқа жамиятларнинг капиталида иштирок этиши фақат кузатув кенгаши (ёки акциядорлар)нинг рухсати мумкин бўлади. Бунда манфаатлар тўқнашуви агар ягона ижроия органи жамиятнинг директорлар (кузатув) кенгаши раҳбарлигига тайинласа юзага келиши мумкин.

Манфаатлар тўқнашувига қарши кураш принципи молиявий бозор амал қилишининг барча соҳаларига тааллуқлидир. Айнан шу тамойилдан келиб чиқиб АҚШда, масалан, 1933 йилда банклар томонидан бир вақтнинг ўзида банк операциялари ва қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялар ва инсайдерлик ахборотидан фойдаланиб қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимлар тузишни таъқиқлови Гласс – Стиголл Қонуни, шунингдек, 2002 йилда компания раҳбариятининг зиммасига молиявий ҳисоботларни сохталаштиришни оғоҳлантиришга қаратилган самарали таомилларни баҳолаш ва ўтказишни юкловчи Сарбейнс – Оксли Қонуни қабул қилинган.

Молиявий хизматлар устидан назорат ва молиявий хавфларни камайтириш қаратилган ривожланиш 2010 йилда қабул қилинган Додд – Франк Қонуни туфайли амалга оширилди. Ушбу қонунда инвестиция-банк хизматлари, хусусий капитал ва ўзига тегишли хедж-фондаларга хизмат кўрсатишнинг истеъмол кредити бўйича одатдаги фаолиятдан ажратилиши, шунингдек молиявий ташкилотларнинг АҚШнинг қимматли қоғозлар бўйича Комиссияси ёки молиявий барқарорлик бўйича назоратга қонунчиликдаги бузилишлар тўғрисида хабар берган ходимлар (whistle-blowers) учун ҳуқуқий ҳимоя қафолатларини ўрнатишга оид махсус қоидалар назарда тутилди.

Таъкидлаш лозимки, манфаатлар тўқнашувига қарши кураш асосида давлат томонидан иқтисодий манфаатларнинг моддий аҳамиятини тан олиш, ноқонуний иқтисодий манфаат реализация қилинган ҳолларда тадбиркорлар мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш заруратини тушуниш ётади. Шу мақсадда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка, тадбиркорлик фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга, компания акциядорлари, кредиторлари ва ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонуний чоралар қабул қилинган. Назорат қилувчи ва бўйсунувчи шахс (шўъба жамият)лар тўғрисидаги махсус

нормалар оммавий тусдаги хизматларни кўрсатувчи барча шахслар (суд бошқарувчиси, аудиторлар, баҳоловчилар, экспертлар, бошқарувчи компаниялар, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, судьялар)га нисбатан ҳам амал қилади. Бундай чоралар орасидан корпоратив ҳуқуқдаги афилланган шахслар институтини таъкидлаб ўтиш лозимки, бу институт озгина фарқ билан, бироқ айнан белгиланган мақсадда бошқа ҳуқуқий муносабатлар: солиқ (ўзаро боғланган шахслар, консолидацияланган ҳисобдорлик, трансфертли баҳони шакллантириш), рақобат (шахслар гуруҳи) ҳуқуқий муносабатларида ҳам қўлланилади.

Тадбиркор ўзининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш мобайнида бизнеснинг шаффоф бўлишини таъминлаши лозим. Жамиятнинг иқтисодий, мулкӣ ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни бериш ва уни максимал самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида бизнеснинг шаффофлигини таъминлаш қуйидагиларни назарда тутати: 1) компания фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш; 2) компаниянинг ҳисобдорлиги; 3) компаниянинг молиявий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш. Ушбу мақсадларга эришиш учун кредит ташкилотлари, молия бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг улар томонидан ўтказиладиган операциялар тўғрисидаги ҳисобдорлиги, консолидацияланган ҳисобдорликни тақдим этиш, молиявий ва саноат гуруҳлари, трансмилий корпорацияларнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни очиклашга оид қўллаб ва чуқур ишлаб чиқилган нормалар қабул қилинган.

Ахборотни очиклаш талаби компания томонидан катта ҳажмдаги қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ёки уларни номуайян доирадаги инвесторлар доирасига таклиф қилиш, шунингдек компаниянинг корпоратив қимматбаҳо қоғозларини фонд биржасининг листингига киритиш ҳолларида қўлланилади. Ҳар чоракда очикланадиган ахборот компания тўғрисидаги энг муҳим маълумотларни, хусусан, компания капиталидаги устувор иштироки ва иштирокдаги муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги, компаниянинг асосий менежерлари ҳақидаги, йирик битимлар ёки манфаатдорлик битимларига оид ўзида ифода этади. Одатда компания томонидан қабул қилинган ёки тузилган муҳим қарорлар ёки битимлар (масалан, қайта ташкил этиш) ҳақида қисқа муддатларда хабар бериш талаб этилади.

Қайд этиш муҳимки, компаниянинг инвестициявий жозибadorлиги бевосита унинг бизнеси шаффофлиги даражасига боғлиқдир. Шаффофликнинг таъминланганлиги компанияга қарз маблағларини олиш ва имтиёзли шартлар асосида бошқа молиявий ресурсларни ҳаракатга келтириш имконини беради. Банк фаолиятини тартибга солишда пруденциал назоратнинг юқори даражадаги механизми ривожланган ва такомиллашувда давом этмоқда. Базель кўмитасининг тавсиясига мувофиқ банк назорат хусусан, қуйидагиларда ифодаланати: банкларнинг ўз маблағлари минимал миқдорига нисбатан назорат органларининг талабларини белгилаш, йўқотишларни қоплаш имкониятидан келиб чиқиб банк капиталларининг мезонларини белгилаш. Назорат тизимининг мажбурий қисмини банкнинг кредит бериш, сармояни киритиш бўйича сиёсати, қоидалари ва амалиёти, кредит ва инвестиция портфелининг ҳолати устидан доимий назоратни юритиш ташкил этади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулкӣ ҳуқуқлари режимини белгилашда эркин ва адолатли рақобат муҳитининг мавжудлиги ҳам муҳим ўрин тутати[8].

Зеро, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкни эркин муомалага киритиш ва бунда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш йўли билан тегишли ва мақбул ҳуқуқий режимни яратиш мумкин бўлади. Ушбу тамойил хорижий мамлакатлар тадбиркорлик ҳуқуқида узок вақтлардан қўлланилиб келинади ва бозор иқтисодиётининг асосий тамойили сифатида эътироф этилган. Дастлаб бу тамойил АҚШда трестларга қарши қонунчилик қабул қилиниши билан жорий этилган. 1890 йилдаги Шерман Қонуни монополияга қарши икки асосий йўналишни белгилаган: 1) турли хилдаги рақобатга қарши (трестлар ўртасидаги) келишувларни таъқиб остига олиш; 2) бозорни монополлаштириш ва шу мақсадга қаратилган фаолиятнинг таъқиқланиши.

АҚШ Олий судининг 1966 йилдаги *United States v. Grinnell* иши бўйича билдирган фикрига мувофиқ, Шерман қонуни маҳсулотнинг сифати ёки ишбилармонлик даражаси билан

асосланадиган ўсиш ва ривожланишдан фарқли равишда монопол ҳокимиятни атайин ушлаб туриш ҳисобига эркин савдони сунъий чеклайдиган ҳаракатга қарши қаратилган ҳисобланади.

Ушбу концепция Европа қонунчилиги (1957 йилдаги Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги шартнома (Рим шартномаси)нинг 101 ва 102-моддаси) да ўз ифодасини топган. Монополизацияга нисбатан қўлланиладиган Рим шартномаси қоидалари ва ЕИ Кенгашининг регламентлари устун мавқени суиистеъмол қилиш ва ҳар қандай рақобатга зид қўшиб юбориш ва қўлга киритишни таъқиқлайди, бинобарин бундай ҳаракатлар рақобатга зарар етказди (distortion of competition) [9].

Рақобат ҳуқуқининг қайси тизими (европа ёки америка) молия ва товар бозорларида эркин рақобатни таъминлаш бўйича қатъийроқ эканлигини аниқлашнинг имкони йўқ, бинобарин монополияга қарши таъқиқларни қўллаш бўйича қарорларни қабул қилишда қўплаб иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Гарчи Европа ҳуқуқи монополияни айнан шундай воқеълик сифатида таъқиқламасада, ЕИ ҳуқуқининг иқтисодиёт ушбу тармоғини тартибга солишдаги мақсади “юқори даражадаги рақобатни” таъминлаш ҳисобланадики, бу компанияларнинг Европа мамлакатларида қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки бизнесни юритиш бўйича битимлар тузиш учун ЕИ органларидан рухсат олиши, АҚШдаги шунга ўхшаш таомилларга қараганда анча мураккаблигида ифодаланади [10].

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бизнес юритишда, тегишли мол-мулк турларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштиришда тегишли шароитларни таъминлаш иқтисодий ривожланиш барқарорлигини кўзлайдиган ҳар бир мамлакат учун устувор вазибалардан бири саналади. Бизнеснинг бозор шароитини таъминлашда асосий эътибор иқтисодиётга давлат аралашувини камайтиришга асосланади [11].

Бизнеснинг ҳокимият органлари қарорларига боғлиқлиги иқтисодиётнинг бозор тусини бузади, унинг самарадорлигини камайтиради ва бу ўз навбатида, бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатишини мумкинлиги иқтисодиёт назарияси анча олдин тан олинган. Коррупциянинг иқтисодиётни емирувчи унсур эканлиги тан олинганлиги сабабли коррупция қарши бир қатор қонунлар қабул қилинишига замин яратилган. Хусусан, АҚШнинг 1977 йилдаги Хориждаги коррупция тўғрисидаги қонуни тадбиркорларга давлат хизматчилари, сиёсий партияларларга тадбиркорнинг манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш мақсадида пул ёки бошқа совғани бевосита ёки билвосита бериши таъқиқлайди.

Гарчи ривожланган хорижий мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашувнинг даражасига нисбатан ягона ёндашув бўлмасада, уларнинг тамойилал позицияси кўп ўринларда мос келади. Хусусан, барча ривожланган хорижий мамлакатларда давлат ҳокимият органларига бозордаги устунлик мақъега эга компанияларнинг нарх сиёсатини назорат қилиш ҳуқуқи берилган. ЕИ ҳуқуқида, масалан, бу ҳуқуқ Европа комиссиясига берилганлиги, иқтисодий муомаланинг барқарорлиги сифатида ягона европа бозори тамойили билан асосланади. Шунингдек, банкларнинг кредит сиёсатига ва ўз навбатида иқтисодий ҳолатига, яъни қайта молиялаш ставкасини ўзгаришига ёки банкнинг ўзига тегишли капиталнинг етарлилиги нормативи каби иқтисодий дастак умумэтироф этилган маалалардан бири ҳисобланади.

Мақбул иқтисодий воқеъликнинг ифодаланиши тамойили тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қонунчиликнинг салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган. Гарбнинг ривожланган давлатлари иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланади, шу боис қонунчиқарувчилар ҳуқуқий нормалар зарар етказмаслигини, аксинча, бозорнинг иқтисодий қонунлари самарали амал қилишга қўмаклашишини кузатиб боришлари лозим. Ушбу тамойил асосида инглиз америка ҳуқуқий тизими компания (БуюкБритания) ва корпорацияларни (АҚШ) хусусий ва оммавий ажратилади. Бундай бўлиниш нафақат тўланган капиталнинг миқдори ва иштирокчиларнинг сони, балки ташкил этиш ва фаолият юритиш мақсадлари тамойили бўйича ҳам амалга оширилади. Агар хусусий компанияларда иштирокчилар учун бошқарувда фаол шахсий иштирок хос бўлса, оммавий корпорацияларни ёлланган менежерлар бошқаради. Хусусий компанияни оммавий компанияни мақомини олиши мазкур

компания сармоясининг ошиши ва доимий суръатда фаолиятининг кенгайтирилиши англатадики, бу ўз навбатида қўшимча инвестицияларни жалб этиш имконини беради. Шу сабабли, фақат оммавий компаниялар ва корпорациялар фонд биржасининг листингга киритилиши ёки ўзининг қимматбаҳо қоғозларини биржа ёки биржадан ташқари бозорга оммавий жойлаштириши (чекланмаган доирадаги шахслар учун) мумкин. БуюкБританиянинг 2006 йилдаги Компаниялар тўғрисидаги қонун хусусий ва оммавий компаниялар ўртасидаги фаркни улар ҳар бирининг сармояси, яъни мол-мулки режимидан келиб чиқиб белгилайди. Дивидендларни тўлашни таъқиқлар ёки соф активларнинг камайиши ҳолларида сармояни қайта тиклаш бўйича акциядорлар томонидан кечиктириб бўлмас чораларни қабул қилиш тўғрисидаги талаблар (ушбу Қонуннинг 831-моддаси) фақат оммавий компанияларга тааллуқлидир.

Хорижий мамлакатларнинг қимматбаҳо қоғозлар тўғрисидаги қонунчилиги анча илгари шаклнинг қатъийлиги тамойилидан воз кечган. Хусусан, инглиз-америка ҳуқуқида “securities” тушунчаси тавсифланадики, бу Ўзбекистон ҳуқуқшунослигида қўлланиладиган “эмиссиявий қимматбаҳо қоғоз”га яқин атама ҳисобланади. Айнан тадбиркорлик нуктаи назаридан бу атама қуйидагиларни назарда тутди: 1) securities сармояга инвестиция киритишни кўзлайди, 2) бир нечта шахсларнинг сармоясини бирлаштиради, 3) маблағ киритишдан мақсад ундан даромад олиш ҳисобланади, 4) инвестициянинг муваффақияти учинчи шахс (менежер)ларга боғлиқдир.

Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг тамойиллари ва мақсади инглиз-америка ва роман-герман ҳуқуқий тизимлари мақсадга эришишнинг турли устувор жиҳатларини белгиласаларда, аниқ иқтисодий манфаатларни кўзлайди. Масалан, Франция қонунчилиги биринчи навбатда, бизнес ва иш жойларини сақлаб қолиш мақсадини кўзлаган ҳолда, кейинчалик кредиторлар талабини қаноатлантиришни назарда тутса, БуюкБританиянинг 1986 йилдаги Тўловга қобилиятсизлик қонуни тескари тус касб этади. Тўланмаганлик тамойили (қарздорнинг қарзлари унинг активларидан кўп бўлиши), ўрнига ночорлик мезони сифатида тўловга қобилиятсизлик (одатдаги тадбиркорлик фаолияти шароитида пул мажбуриятларини тўлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги) тамойилининг қўлланилиш факти, банкротлик тўғрисидаги нормалар тизимининг иқтисодий вовъеликларга ёқинлашувини англатади.

Муносабатлар иқтисодий моҳиятининг ҳуқуқда мақбул ифодаланиш тамойили шуни англатадики, бунда тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишда ҳуқуқ нафақат шартнома тарафларнинг тенглиги ғоясига таяниши, балки ушуб муносабат ҳар бири субъектига тегишли аниқ манфаатлар, мазкур хусусий манфаатлар билан боғлиқ ижтимоий-социал (оммавий) манфаатлар ва ушбу манфаатларга мувофиқ ушбу субъектлар ўртасидаги иқтисодий таваккалчилик хавфини тақсимлашни ҳам назарда тутиши лозим.

Умуман олганда, хорижий мамлакатлар қонунчилигида юқорида таҳлил қилинган тамойилларнинг ҳар бири ҳақиқий иқтисодий реалликдан келиб чиқади ва инновацион иқтисодий ривожланиш ҳисобига такомиллашиб боради. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда тўғридан-тўғри амал қиладиган тамойилларни белгилаш ва уларга қатъий рия қилиш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Попондопуло В. Ф. Предпринимательское законодательство и проблемы его совершенствования // Бизнес, менеджмент и право. Научно-практический экономико-правовой журнал / http://bmpravo.ru/show_stat.php?stat=1123 (Popondopulo V. F. Entrepreneurial legislation and problems of its improvement // Business, management and law. Scientific and practical economic and legal journal)
2. <http://base.garant.ru>
3. https://dic.academic.ru/dic.nsf/econ_dict/21021

4. Кузнецова Н. С. Предпринимательское законодательство в Украине и в странах Европы (частноправовые аспекты)//Проблемы гармонизации законодательства Украины и стран Европы/Под ред. Е. Б. Кубко, В. В. Цветкова. К., 2003. С. 319–339. (Kuznetsova N. S. Entrepreneurial legislation in Ukraine and European countries (private law aspects) // Problems of harmonization of legislation in Ukraine and European countries / Ed. E. B. Kubko, V. V. Tsvetkova. K., 2003. pp. 319–339.)
5. Коммерческое право зарубежных стран: Учебник/Под ред. В. Ф. Попондопуло. СПб, 2005. С. 15–17. (Commercial law of foreign countries: Textbook/Ed. V. F. Popondopulo. St. Petersburg, 2005. pp. 15–17.)
6. Величко Д.А. Гражданско-правовые основы предпринимательской деятельности в Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2003. – 7 с. (Velichko D.A. Civil legal foundations of entrepreneurial activity in the Russian Federation: abstract. dis. ...cand. legal Sci. – М.: 2003. – 7 p.)
7. Предпринимательское право Российской Федерации: учебник для магистрантов / отв. ред. Е. П. Губин, П. Г. Лахно. 3-е изд., перераб. и доп. – М. : Норма : ИНФРА-М, 2017. – 156 с. (Business law of the Russian Federation: textbook for undergraduates / resp. ed. E. P. Gubin, P. G. Lakhno. 3rd ed., revised. and additional – М.: Norma: INFRA-M, 2017. – 156 p.)
8. Бандорин А.Е. Механизм правового регулирования предпринимательской деятельности в России (вопросы теории и практики): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов: 2011. – 7 с. (Bandorin A.E. The mechanism of legal regulation of entrepreneurial activity in Russia (issues of theory and practice): abstract of thesis. dis. ...cand. legal Sci. – Saratov: 2011. – 7 p.)
9. Зеккер Ф. Ю. Свобода посредством конкуренции. Конкуренция посредством регулирования. Реформа немецкого энергетического права в свете опыта энергетического права США. Перевод с немецкого Х. Р. Шамсиева//Энергетическое право. 2006. № 1. С. 16–17, 21. (Zecker F. Yu. Freedom through competition. Competition through regulation. Reform of German energy law in the light of the experience of US energy law. Translation from German by H. R. Shamsiev//Energy Law. 2006. No. 1. pp. 16–17, 21.)
10. Попондопуло В.Ф. Коммерческое (предпринимательское) право : учебник/В. Ф. Попондопуло. — 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2008. – 64 с. (Popondopulo V.F. Commercial (entrepreneurial) law: textbook/V. F. Popondopulo. — 3rd ed., revised. and additional – М.: Norma, 2008. – 64 p.)
11. Белых В.С., Белых С.В. Конституция РФ и правовые основы предпринимательской деятельности // Бизнес, менеджмент и право. Научно-практический экономико-правовой журнал / http://bmpravo.ru/show_stat.php?stat=1123 (Belykh V.S., Belykh S.V. Constitution of the Russian Federation and legal foundations of entrepreneurial activity // Business, management and law. Scientific and practical economic and legal journal / http://bmpravo.ru/show_stat.php?stat=1123)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000